

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VA TIGIDA
SAVLAT RO'YXATHIBAN OTKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2364-5
2018 yil 6 sentyabr



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш хақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 марта даги 10/1-сон қарори (рўйхат рақами 2364, 2012 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 223-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2018 йил 18 август,
2018 -сон



М. Нурмуратов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил “18” августдаги
27/7 – сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Кафолат бериш масаласи банк (филиал)нинг кредит қўмитаси томонидан банк кредит сиёсатида қўрсатилган кафолат беришнинг лимитлари доирасида кўриб чиқилади.

Берилган кафолатларнинг ҳисоби Бош банкда юритилади ва унинг тўғри юритилиши банк бошқаруви раиси зиммасига юклатилади.”.

2. Қуйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

“7¹. Банк томонидан кафолат бериш қатъий ҳисобда турувчи бланкда расмийлаштириллади. Кафолат бланклари ҳисоби алоҳида дафтарда қайд этиб борилади. Кафолат бланклари шакли банкнинг ички тартибларида ягона шаклда белгиланади.

Кафолат бланклари Бош банк ва “Давлат белгиси” давлат-ишлиб чиқариш бирлашмаси ўртасида тузиладиган шартнома асосида ягона шаклдаги маҳсус ҳимоя белгилари билан таъминланган қоғозда тайёрланиб, Бош банк томонидан банкнинг барча филиалларига етказилади.”.

3. 14-банддаги “Бош банк” деган сўзлар “банк (филиал)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

